

ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ АЛЛОМАЛАРИ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Хўжаёров Асилбек Отабек ўғли

мустақил тадқиқотчи

E-mail: ilmnuri4105@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўрта асрларда Қашқадарё воҳасидан етишиб чиққин олим ва уламларнинг исломий илмлар – ақида (калом), тафсир, ҳадисшунослик, фиқхий илмлар, шунингдек, тарих ва тиљшунослик соҳаларининг ривожаланишига қўшган ҳиссалари ҳақида тарихий манбалар ва сўнгги йилларда соҳада амалга оширилган тадқиқот ишлари асосида сўз юритилади.

Калит сўзлар. Насаф, Насафий алломалар, исломий илмлар, ақида (калом), тафсир, ҳадисшунослик, муҳаддис, фиқхий илмлар

THE SIGNIFICANCE OF SCIENTIFIC HERITAGE OF THE SCIENTIFIC HERITAGE OF KASHKADARYA OASIS

ABSTRACT

This article talks about the contributions of scholars and scholars who came from the Kashkadarya oasis in the Middle Ages to the development of Islamic sciences – aqeedah (kalom), tafsir, hadith studies, jurisprudence, as well as history and linguistics, based on historical sources and research conducted in the field in recent years.

Keywords. Nasaf, Nasafi scholars, Islamic sciences, aqeedah (kalom), tafsir, hadith studies, muhaddis, jurisprudence

Марказий Осиё шаҳарларидан бири бўлган қадим Насафнинг илму маърифатда Бухоро, Самарқанд ва Тошкентдан қолишмайдиган жиҳатлари кўп бўлгани боис “Насафий” нисбали олимлар ўз асарлари билан нафақат Мовароуннахр, балки бутун ислом оламида шуҳрат қозонгандар. Абулқосим Ибн Хавқал (943-988), Абу Исҳоқ Иброҳим Истахрий (Х аср), Ёқут ибн Абдуллоҳ Ҳамавий (ваф. 1229), Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Макдисий (ваф. 990), Абдулкарим Самъоний (1113-167) каби араб муаррихларининг асарларида ҳам бу шаҳар ҳақида кўплаб маълумотлар учрайди [1].

Ҳозиргача Қашқадарё воҳасининг 120 дан зиёд қадимги давр ва ўрта аср шаҳар ҳамда қишлоқлари ўрнида изланишлар олиб борилган. Натижада, бу ерда 400 дан кўпроқ қадимий манзилгоҳлар, улардан 100 дан ортиғи антик даврга тўғри келгани, Қарши шаҳри атрофидаги 123 та обидадан 59 таси милоддан аввалги ва милоднинг бошларида пайдо бўлгани аниқланган [2].

Насаф тарихи ва алломаларнинг меросини ўрганишда Абдулкарим Самъонийнинг (1113-1167) “ал-Ансаб” (“Насаблар”) китоби алоҳида ўрин тутади. Ушбу китобнинг Ўрта Осиёга тааллуқли қисмини тарих фанлари доктори Ш.Камолиддинов тадқиқ қилган [3].

“Ал-Ансаб”да ёзилишича, “Насаф – Мовароуннахр шаҳарларидан бўлиб, аввалги номи – Нахшабдир. Бу шаҳарда қарийб икки ой турдим ва у ернинг кўп олимларидан таълим олдим. Бу шаҳардан ўз фанининг кўп мутахассислари етишиб чиққанлар. Уларнинг саноғига етиш қийин. Насафдан чиққан олимлар ҳақида Абул Аббос Жаъфар Мустағфирий Насафий саккиз жилдан кўпроқ китоб жамлаган” [4].

Ушбу китобда X-XII асрларда Мадинаи мунаввара, Бағдод, Исфаҳон, Нишопур, Марв, Бухоро, Самарқанд, Насаф каби “Мадина” (йирик шаҳар) номи билан аталадиган 8 та шахар, Насаф атрофидаги 50 дан ортиқ қишлоқ, Баздавий, Офуроний, Устуғдодизий, Касбавий, Ғубдиний нисбасига эга 180 нафарга яқин алломаларнинг номи қайд этилган.

VII аср охири – IX аср бошларида Насаф ва Кешда йирик ҳадисшунослик ва фиқхшунослик мактаблари вужудга келган. Шунингдек, бу ерда тафсир соҳаси ҳам IX асрдаёқ йўлга қўйилган ва бунда, айниқса Иброҳим ибн Маъқил Санжоний, Муҳаммад ибн Наср Насафий каби олимлар етакчилик қилган.

Мазкур мактабларда мусулмон оламининг турли ўлкаларидан келган талабалар сабоқ олар эдилар. IX асрда Муъоз ибн Яъқуб Насафий, Халаф ибн Сулаймон Дириздаҳий, X асрда Асад ибн Ҳамдавайҳ Варсиний, Аҳмад ибн Муҳаммад Тадёний, Муҳаммад ибн Осим Устуғододизий, Абдурроҳман ибн Муҳаммад Астрободий, XI асрда Абдулазиз ибн Муҳаммад Нахшабий, Муҳаммад ибн Аҳмад Баладий, XII асрда Абу Бакр Насафий, XIII-XIV асрларда Азизиддин Насафий, Лутфуллоҳ Насафий Кайдоний каби ўнлаб олимлар бутун ислом оламида шуҳрат топди. Кейинги асрларда ҳам бу илмий анъана муваффақият билан давом эттирилди.

Буюк муҳаддис Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Бухорий Насафнинг Баён маҳалласида маълум бир муддат бўлган ва у ерда шогирдларга таълим берган. Унга бу пайтда Офурон қишлоғидан дўсти Абу Муҳаммад Жибрил ибн Авн яқиндан ёрдам берган. У ҳам ўз навбатида ҳадис илмида пешқадамлардан бири бўлган. Абу Наср Аҳмад (ваф. 1157 й.): “Катта бобом Абу Наср даврида кўпгина олимлар Насафнинг қишлоқ ва ноҳияларидан эдилар” [5], – деб Насафнинг атрофларидан олимлар кўп етишиб чиққанини айтади.

Насаф IX – X асрларда ўзига хос илмий марказга айланиб улгуради. Абу Жаъфар Мустағфирийнинг маълумот беришича, X асрда Насафда “Мажлиси тадрис”, яъни халқаро илмий конгресс – мажлис ўтказилган. Ўша давр ислом олимлари илм тарқатишда икки услубдан фойдаланганлар. Бири масжидларда ўтказиладиган фиқҳий масалаларга доир илмий мажлислар, мунозара ва сұхбатлар бўлса, иккинчиси, уйларда ёки маҳсус жойларда ўтказиладиган баҳс-мунозаралардир. Бу “мажлиси тадрис”лар узоқ вақт давом этар, унга мусулмон оламининг етук олимлари таклиф этилар, унда олимларнинг маълум бир мавзудаги янги қарашлари, изланишлари баён этилар ва баҳоланаар эди. Мана

шундай мажлисга балхлик мўтазилийлар йўлбошчиларидан бири Абул Қосим Каъбавий (ваф. 931) ҳам ташриф буюрган [6].

Бу ҳолат фақат диний билимларга хос бўлмай, балки адабий кечалар ҳам уюштирилган, унда илм аҳллари, шоирлар ва қизиқувчилар иштирок этган. X асрда яшаган таникли тилшунос ва олим Абу Усмон Саъид ибн Иброҳим Насафийнинг “ал-Адаб вәш-шиор” (“Адабиёт ва шеър”) номли асари бўлган. Насафлик шоирлардан бири Шаҳобиддин Аҳмад ибн Муъайддин ҳам ўша давр шеъриятида катта из қолдирган [7].

Насафга қарашли бўлган Оффурон (Оброн), Кожар, Балад (Пўлоти), Фудина каби манзилларидан етишиб чиққан олимлар ўз даврларида илм-фан тараққиётида катта из қолдирганлар. Бундай олимлар қаторида қуидагиларни алоҳида айтиб ўтиш мумкин.

Хуллас, Қашқадарё воҳасидан ўрта асрлар даврида етишиб чиққан алломалар нафақат минтақа аҳолисининг ҳаётида, балки бутун Марказий Осиё ва ислом олами маънавий ҳаётида бекиёс роль ўйнаган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ёкут Ҳамавий. Мужам ал-булдан. 5 жилдда. – Байрут. Дор ул-фикр, 1980; Макдисий. Аҳсан ат-тақасим фи маърифат ал-ақалим. Нашрга M.J. De Goeje тайёрлаган. – Arud: Brill, 1967; Абдулкарим Самъоний. Насабнома. Таржимонлар – А.Р.Бухорий ва К.Раҳимов. – Бухоро: Бухоро нашриёти, 2003.
2. Бўриев О. Нахшаб – Қарши воҳасидаги этник жараёнлар тарихидан // “Ўзбекисто тарихи” журнали. 2006 йил 2 – 3-сонлар. – Б.43 – 48.
3. Орипов А., Жабборов Ж. Ўтди асрларнинг карвони бундан // Халқ сўзи, 2006 йил 24 октябрь
4. Камалиддинов Ш. “Китаб ал-ансаб” Абу Саада Абдулкарима ибн Мухаммада ас-Самани как источник по истории и культуры Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1993.

5. Абдулкарим Самъоний. Насабнома. Таржимонлар А.Р.Бухорий ва К.Рахимов. – Бухоро: Бухоро нашириёти, 2003. – Б.254
6. Абдулкарим Самъоний. Насабнома. Таржимонлар А.Р.Бухорий ва К.Рахимов. – Бухоро: Бухоро нашириёти, 2003. – Б.229.
7. Равшанов П. Қарши тарихи. – Т., 2006. – Б.318 – 319.
8. Равшанов П. Адабий сахифалар. – Т., 1985.